# БУГУН ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXI СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 25 (5.916) • 1986 йил 30 январь, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

*Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори, юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим.*




Рассом В. Мур[illegible] плакати.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XXI СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИ

Бугун Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди очилди.

Кун тартибига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисоботи киритилган. Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига ўзгартишлар лойиҳаларини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини муҳокама қиладилар.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини ҳамда республика партия ташкилоти ревизия комиссиясини сайлайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини қилди.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитети маъмурий органлар бўлими мудирининг ўринбосари В. А. Аболенцев, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев қатнашмоқда. (ЎзТАГ).

### ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

## ИЛЬИЧ ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЛАР ҚЎЙДИЛАР

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди очилиши арафасида Тошкентдаги парадлар хиёбонида жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидан, Қорақалпоғистон ва республика областлари делегацияларидан гуллар қўйилди.

Гуллар қўйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, О. У. Салимов, Қ. С. Саликов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, В. А. Ҳайдуров, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари В. А. Аболенцев, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими сектор мудирининг ўринбосари И. Е. Пономарев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

### Газетанинг ушбу сонига репортаж

## Қуюв заводи беш йиллик хизматида

**«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ўзбекистон Компартияси XXI съезди очилиш арафасида шонли воқеа бўлди. Республиканинг зарбдор қурилиши деб эълон қилинган қуюв заводида кеча биринчи саноат қуймаси олинди.**

Юзлаб қурувчилар, монтажчилар бу унутилмас кунни яқинлаштириш учун кўпгина куч ва ғайрат сарф этдилар. Чунки қуюв заводи ўн иккинчи беш йилликда тракторсозларни, Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бир қатор корхоналари, Тошкент мотор заводини ўз маҳсулоти билан таъминлаши керак эди.

Митингга тўпланганлар орасида биринчи қуймага дахли бўлган печь қурувчилари бригадаси бошлиғи Саид Абдуллаевни, тупроқчи Валентин Едельকинни, электромонтёр Николай Чановни, слесарлар бригадири Валерий Барановни кўриш мумкин эди.

Митингда табрик сўзлари янгради. Ҳар бир нутқда эртанги кун ҳақида қайғуриш туйғуси шундай сезилиб турарди. Чунки ҳали цехларда ҳамма ишлар тугалланган эмас.

Айниқса пўлат қуювчи Виктор Фёдорович Глазнев ҳаяжонда эди. Унинг ёрдамчилари Геннадий Жданов, Сергей Чезганов ва Сергей Чигарецкий ҳам ўз ҳамкасбларидан кам ҳаяжонланишмаётган эди.

Мана, шихта солинган аравача келтирилди. Ундаги хом ашё икки ярим соатдан кейин пўлатга айланиши керак. Печда олов ёлқинланди, рубильник ишга туширилди. Печдаги учқун, шовқин, юқори интилаётган газ —ҳамма-ҳаммаси пўлат қуйиш бошланганлигидан далолат берарди. В. Глазнев жараённи диққат билан кузатиб турибди. Унинг буйруқларини ишчилар тез ва соз бажаришяпти. Биринчи, кейин иккинчи қуйма намуналари олинди. Ниҳоят, печь туйниги очилиб, эриган металл оқими кўринди. Галина Глазнева ковшларни қуйиш участкасига авайлаб ола бошлади.

Республикамизда биринчи бўлган, йилига 20 минг тонна қора ва рангли металл қуймаси берадиган қуюв заводи ўн иккинчи беш йилликда ишлай бошлади.

### Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегати



## КОММУНИСТНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

Куни-кеча эди. У Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегатлари рўйхатга олинаётган бино томон оҳиста борарди. Ҳали вақт эрта. Кўчаларда машиналар сийрак. Ондасонда ўтаётган трамвайда ҳам пассажирлар унчалик гавжум эмасди. Чиннихон ая пиёда бир ўзи нималарнидир чуқур ўйлаб борарди. Салом бериб, аянинг қўлларидан тутдим. Йўл-йўлакай соғлиқлари, ишлари ҳақида сўрадим.

— Ишларимиз жудаям кўп, ўғлим.— Айниқса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин, биз, ветеранларнинг ҳам масъулиятимиз ошди... — деб дона-дона тетик сўз бошладилар Чиннихон ая. — Биз, кекса большевиклар гвардияси коммунист масъулияти, унинг юксак бурчи нималигини яхши биламиз.

Ая ҳикоя қилардилару кўз ўнгимда 20—30-йиллар худди кино лентасидагидек яққол гавдаланарди. Партия ветеранининг маъноли сўзларидан ўша даврда — коммунистик бунёдкорликнинг ҳал қилувчи, муҳим паллаларида коммунистлар зиммасига алоҳида масъулият тушганлигини чуқур ҳис этасан киши! Ҳар қандай суиистеъмол қилиш, КПСС Устави нормаларидан чекиниш, умуман салбий кўринишлар коммунист деган юксак ва покиза номга мутлақо ёт нарсалар эканлиги ветераннинг сўзларида яққол кўриниб турарди.

— Агар ҳаётимиздаги ҳар бир муҳим босқичга диққат билан назар солсангиз, —деди у зиналардан оҳиста чиқиб борарканмиз, — партиямиз коммунист номини янада баланд кўтарганини кўрасиз. Ҳозир Владимир Ильич Лениннинг Марказий музейининг Тошкент филиалини зиёрат қилиб келяпман. Бу ерда биз, ветеранлар — Семён Осипович Паршин, Йўлдош Бобожонов, Иван Секретарев ва бошқалар тез-тез йиғилишиб турамиз. Шаҳримиздаги барча район партия комитетларига қўлимиздан келганча, виждонан ёрдам бериб келяпмиз. Мавжуд камчиликларни тугатишга ҳисса қўшяпмиз...

Чиннихон ая Ленин, Октябрь районлари ва бошқа баъзи районлардаги партия ветеранлари Советининг тадбирлари ҳақида сўзлади. Шу ўринда эслатиб ўтмоқчимиз: Чиннихон ая Иброҳимова Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ҳузуридаги шаҳар партия ветеранлари Советининг раисидир. Шаҳримиздаги мингдан зиёд партия ветерани кўпгина ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Улар шаҳар ва район партия конференциялари ишларида фаол қатнашишди.

...Чиннихон ая Иброҳимова билан съезд делегатлари рўйхатга олинаётган бинога етиб келдик. У пальтосини ечиб, юзлаб кишилар тўпланиб турган фойега кирар экан, республиканинг таниқли кишилари — ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият намояндалари даврасида ёшариб кетгандай туюлди. Ахир, у яна икки йилдан сўнг ўзининг қутлуғ 80 йиллигини нишонлайди. Мана, 56 йилдан буён шонли КПСС аъзоси. Унинг кўксида «Шавкатли меҳнати учун» медали ярқираб турарди. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

Бу ерда хотин-қизлар ҳам кўп эди. Чиннихон ая Иброҳимованинг кўзлари бирдан қувнаб кетди.

— Нақадар бахтли замонда яшаяпмиз! Уларни қаранг: чеҳраларидан нур ёғилади-я...

Шу онда аянинг бир ҳикояси эсимга тушиб кетди. Онаси Тўрахон ая Иброҳимова Ленинни кўришга муяссар бўлган бахтли оналардан эди. Тўрахон аянинг бир одати бор экан: доимо чўнтагига икки қулоч қизил алвон мато солиб юрар экан. Бир куни Чиннихон бунинг сабабини сўраганда боисини айтибди. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш йилларида қаерда беш—олти хотин-қиз тўпланишса, ана шу матони ёзиб хотин-қизларни ҳурликка, озодликка чорлашар, клубларга, фабрикаларга ташвиқ қилишар экан.

Чиннихон ая Иброҳимованинг ҳаётида шонли воқеалар, ёшларга ибрат бўладиган ишлар кўп бўлган. «Мен номи тилларда достон бўлган, йигирманчи йилларда Қўқон Эски шаҳар комсомол комитетининг секретари бўлган Абдулла Набиев қўлидан комсомоллик билетимни олганман» деб фахрланиб гапирди. Шу кунларда партия ветеранлари Совети шаҳардаги ёш коммунистлар тарбиясига асосий эътиборни қаратяпти. Оталиқдаги комсомол ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатяпти. Чиннихон ая етакчилигида партия ветеранлари тез-тез жойларга бориб туришади, ўзларининг бой тажрибаларини бажонидил ёш авлодга ўргатишади.

Ўзбекистон Компартияси XXI съезди кунларида унинг хаёлидан кўп нарсалар ўтяпти, албатта. Ҳозирги ютуқларимизга, бахтиёр кунларга қандай қийинчиликлар ва машаққатлар эвазига эришилгани, қанчалар қон тўкилгани, қурбонлар берилгани — олис йиллар хотираси ҳамон кўз ўнгида турибди. У Ўзбекистон коммунистларининг йигирма биринчи анжуманида ҳам қатнашишдек катта ва шарафли, бахтли кунга муяссар бўлди.

**Ҳ. ИКРОМОВ.**

**СУРАТДА: Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги шаҳар партия ветеранлари Советининг раиси Ч. Иброҳимова.**



СУРАТДА: Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездининг бир группа делегатлари.

Т. Каримов фотоси.

